

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

АРИСЛАНОВ АКМАЛЖОН САЙИББАЕВИЧ

**ҚОРАТОҒ ВА МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИДАН
СУЛЬФАТЛАРНИНГ СУВДА ЭРУВЧАН ШАКЛИ БИЛАН
ТАРКИБИДА КАЛЬЦИЙ БЎЛГАН АЗОТ-ФОСФОРЛИ ЎҒИТЛАР
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Арисланов Акмалжон Сайиббаевич

Қоратоғ ва Марказий Қизилқум фосфоритларидан сульфатларнинг сувда эрувчан шакли билан таркибида кальций бўлган азот-фосфорли ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш

3

Арисланов Акмалжон Сайиббаевич

Разработка технологии получения кальцийсодержащих азотно-фосфорных удобрений с водорастворимой формой сульфатов из фосфоритов Каратау и Центральных Кызылкумов

21

Arislanov Akmaljon Sayubbaevich

Development of a technology for obtaining calcium-containing nitrogen-phosphorus fertilizers with a water-soluble form of sulfates from phosphorites of Karatau and Central Kyzyl Kum

39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

43

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

АРИСЛАНОВ АКМАЛЖОН САЙИББАЕВИЧ

**ҚОРАТОҒ ВА МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИДАН
СУЛЬФАТЛАРНИНГ СУВДА ЭРУВЧАН ШАКЛИ БИЛАН
ТАРКИБИДА КАЛЬЦИЙ БЎЛГАН АЗОТ-ФОСФОРЛИ ЎҒИТЛАР
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Т2352 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.nammti.uz) va «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шамшидинов Исраилжон Тургунович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Султонов Боходир Элбекович
техника фанлари доктори,
катта илмий ходим

Исаков Хаятулла
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «18» март соат 13⁰⁰ да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7. Тел.: (+99869) 228-76-75, факс: (+99869) 228-76-71, e-mail: niei_info@edu.uz).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (453-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7. Тел.: (+99869) 228-76-75, факс: (+99869) 228-76-71.

Диссертация автореферати 2022 йил «4» март куни тарқатилди.

(2022 йил «4» март № 5- рақамли реестр баённомаси).



Эргашев О.К.
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Шеркўзиёв Д.Ш.
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н., профессор

Дехканов З.К.
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котибидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон агрокимё мажмуаси иктисодий тараққиётининг асосий таркибий қисми ҳисобланиб, аҳоли фаровонлиги унинг ривожланишига боғлиқ бўлади. Шу муносабат билан агросаноат мажмуасини кенг кўламдаги ўсимликларни химоя қилиш воситалари, ўсимликларни ўсиш ва ривожланиш стимуляторлари, турли нисбатларидаги асосий макроэлементлар, жумладан азот, фосфор, калий, кальций, магний ва олтингугурт бўлган минерал ўғитлар билан таъминлаш зарурдир. Бунда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда нафақат минерал ўғитлар меъёрини ошириш, балки улар ассортиментини кўпайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Мазкур йўналишда таркибида кальций ва олтингугурт бўлган азот-фосфорли минерал ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш катта аҳамият касб этади.

Дунёда ишлаб чиқарилаётган фосфорли ўғитлар апатит ва фосфорит концентратлари асосида олинади, уларнинг захираси эса йилдан-йилга камайиб бормоқда, ишлаб чиқаришга паст навли, жумладан юқори карбонатли хомашёларни қамраб олиб, улардан фойдаланган ҳолда таркибида кальций ва олтингугурт бўлган фосфорли ўғитлар олиш бўйича илмий-тадқиқот ишлар олиб борилмоқда. Бу борада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини сульфатларнинг сувда эрувчан шакли бўлган фосфорли ўғитлар билан таъминлаш учун қуйидаги йўналишлар бўйича: сульфатларнинг сувда эрувчан шакли билан таркибида кальций бўлган азот-фосфорли ўғитлар олиш усуллари ишлаб чиқиш, фосфат кислотани сульфат кислотага қисман алмаштиришни мақбул технологик кўрсаткичларни аниқлаш, сульфатларнинг сувда эрувчан шаклининг максимал миқдорига эришиладиган нордон бўтқаларни аммонийлаш даражасини аниқлаш, сульфатларнинг сувда эрувчан шакли билан таркибида кальций бўлган азот-фосфорли концентранган ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикада ўзига хос кенг кўламли чора-тадбирлар ва инновацияларни амалга ошириш натижасида маҳаллий хомашёлар асосида фосфорли ўғитларнинг янги турларини олиш ва қишлоқ хўжалигини юқори сифатли минерал ўғитлар билан таъминлаш борасида илмий тадқиқотларнинг юқори натижаларига эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «... юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш, биринчи навбатда, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлашга асосланган юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ...»¹ га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, экстракцион фосфат кислотани сульфат кислотага қисман алмаштириш орқали аммоний нитрат иштирокида фосфоритларни парчалаш, сўнгра бўтқадаги кальций сульфатни аммоний сульфатга конверсиялашни амалга ошириш учун аммонийлаш орқали сульфатларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг № ПФ - 4947 «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясигўғисид» ги фармони

сувда эрувчан шакли билан таркибида кальций ва олтингугурт тутган азот-фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таркибида олтингугурт тутган фосфорли ўғитлар олиш бўйича тадқиқотлар билан Набиев М.Н., Позин М.Е., Копылев Б.А., Бродский А.А., Суетинов А.А., Намазов Ш.С., Гафуров К., Тожиёв С.М., Шамшидинов И.Т., Мирзакулов Х.Ч., Усманов И.И., Реймов А.М., Саттаров Т.С., Собиров М.М., Расулов А.А. ва бошқалар шуғулланишган. Таркибида олтингугурт тутган фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришнинг мавжуд технологиялари фосфатли хомашёни термик ёки экстракцион фосфат кислоталари, сульфат ва фосфат кислоталари аралашмаси, кислотали (нордон) маҳсулотларни бўр ёки аммиак билан нейтраллашни ўз ичига олади. Ўзбекистонда фосфорли концентранган ўғитлар сифатида ҳозирги вақтда, асосан, Марказий Қизилқум фосфоритларидан олинган аммофосдан фойдаланилади. Аммофосдан фойдаланилиши натижасида тупроққа тушадиган ва ўсимликлар томонидан ўзлашадиган кальций, магний ва олтингугурт бирикмаларининг миқдори йилдан-йилга камайиб боришига олиб келади, бу эса ўз навбатида ҳайвон ва ўсимликлар организмида бу элементларнинг етишмаслигига олиб келади.

Шу муносабат билан сульфатларнинг сувда эрувчан шакли билан таркибида кальций ва олтингугурт бўлган концентранган азот-фосфорли ўғитларни олиш муаммосини ҳал этиш лозим бўлади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-қурилиш институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ИТД-12-15 «Кўшалок суперфосфат туридаги ўғитлар олишда паст навлардаги маҳаллий фосфоритлар ва микроэлементли саноат чиқиндиларидан фойдаланиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сульфатларнинг сувда эрувчан шакли билан таркибида азот, фосфор, кальций, магний бўлган ўғитлар ишлаб чиқаришнинг самарадор технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фосфат кислотанинг бир қисмини сульфат кислотага алмаштириш орқали кислоталар аралашмаси билан аммоний нитрат иштирокида трикальцийфосфатни парчалаш ҳамда нордон бўтқани аммонийлаш натижасида сульфатларнинг сувда эрувчан шакли билан азот-фосфорли ўғитлар олиш имкониятини назарий асослаш;

Қоратоғ ва Марказий Қизилқум (МК) фосфоритлари асосида олинган ЭФКдаги бир қисм фосфат кислотани сульфат кислотага алмаштириш орқали ҳосил қилинган ва аммоний нитрат иштирокида фаолланган кислоталар аралашмасида ушбу фосфоритларни парчалаш жараёнини ўрганиш;

Қоратоғ ва МК фосфоритларни кислоталар аралашмасида парчалашнинг нордон бўтқаларини газ ҳолатидаги аммиак билан нейтраллаш жараёнини тадқиқ қилиш ҳамда аммонийлаш ва қуритиш жараёнларининг мақбул технологик кўрсаткичларини аниқлаш;

Сульфатларнинг сувда эрувчан шакли билан таркибида кальций бўлган азот-фосфорли ўғитлар олиш жараёнини техник-иктисодий асослаш ва уларнинг агрокимёвий самарадорлигини аниқлаш;

Қоратоғ ва МК фосфоритларини сульфатларнинг сувда эрувчан шакли билан таркибида азот, фосфор, кальций, магний бўлган, ўғитларга қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қоратоғ ва Марказий Қизилқум (МК) фосфоритлари, Қоратоғ ва МК фосфоритлари асосидаги экстракцион фосфат кислота, сульфатларнинг сувда эрувчан шаклига эга азотли-фосфорли ўғитлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини Қоратоғ ва МК фосфоритларини сульфатлари эрувчан шаклда бўлган азотли-фосфорли ўғитларга қайта ишлаш жараёнлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида кимёвий (фотоколориметрик, гравиметрик, комплексонометрик, ўлчаш, титриметрик) ва физик-кимёвий (рентгенографик, ИҚ-спектроскопик ва термографик) таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор сульфатларнинг сувда эрувчан шакли билан таркибида кальций ва магний бўлган концентранган азот-фосфорли ўғитлар олиш жараёни назарий жиҳатдан асосланган;

Қоратоғ ва МК фосфоритлари асосида олинган ЭФКдаги бир қисм фосфат кислотани сульфат кислотага алмаштириш ва аммоний нитрат иштирокида фаоллаш орқали ҳосил қилинган кислоталар аралашмасида ушбу фосфоритларини парчалашнинг мақбул технологик кўрсаткичлари аниқланган;

таркибида кальций сульфат дигидрати бўлган кислотали бўтқани аммонийлашда кальций сульфатнинг аммоний сульфатга конверсия жараёнлари асосланган ҳамда аммонийлашда кальций сульфат

дигидратининг аммоний сульфатга конверсия даражасининг максимал кийматига эришишининг мақбул шароити аниқланган;

сульфатларнинг сувда эрувчан шакли билан таркибида азот, фосфор, кальций ва магний бўлган концентрланган ўғитлар ишлаб чиқаришнинг мақбул технологик кўрсаткичлари аниқланган;

Қоратоғ ва МК фосфоритларини сульфатларнинг сувда эрувчан шакли бўлган азот-фосфорли концентрланган ўғитларга қайта ишлаш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фосфатли бўтқани аммонийлаш жараёнида ундаги кальций сульфат дигидратини аммоний сульфатга тўла конверсияланиши ҳисобига таркибида азот, фосфор, кальций, магний ва сульфатларнинг сувда эрувчан шакли бўлган концентрланган ўғитлар олинган;

Қоратоғ ва МК фосфоритларини сульфатларнинг сувда эрувчан шакли билан таркибида азот, фосфор, кальций ва магний бўлган концентрланган ўғитларга қайта ишлашнинг мақбул технологик кўрсаткичлари аниқланган, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги асосланган ва принципиал технологик схемаси ишлаб чиқилган;

Марказий Қизилқум фосфоритларидан янги турдаги ўғит – сульфасупераммофосфатнинг саноат-тажриба намунаси яратилган;

Сульфатларнинг сувда эрувчан шакли билан таркибида азот, фосфор, кальций ва магний бўлган ўғитлар таъсирида қишлоқ хўжалик экинларининг мувозанатли озикланиши туфайли ҳосилдорликни ортиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил натижалари лаборатория тажрибалари, ишлаб чиқилган технологияларни тажриба-саноат ва агрокимёвий синовлар билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, у таркибида азот, фосфор, кальций, магний ва сульфатларнинг сувда эрувчан шакли бўлган концентрланган ўғитлар ишлаб чиқариш учун асос яратилганлиги, бунда суперфосфат бўтқасидаги кальций сульфат дигидратини аммонийлаш жараёнида монокальцийфосфат ва аммоний сульфатга конверсияланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, аммоний нитрат билан фаолланган ЭФКдан фойдаланиш ва кислотадаги бир қисм фосфат кислотани сульфат кислотага алмаштириш орқали таркибида азот, фосфор, кальций, магний ва сульфатларнинг сувда эрувчан шакли бўлган концентрланган ўғитлар олиш ҳисобланади, шунингдек олинган натижалардан Ўзбекистон Республикасидаги олий ўқув юртларида ноорганик моддалар ва минерал ўғитлар технологияси ихтисослиги бўйича кадрлар тайёрлашдаги ўқув жараёнида фойдаланишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қоратоғ ва МК фосфоритларини сульфатларнинг сувда эрувчан шакли билан таркибида кальций бўлган концентрланган азот-фосфорли ўғитларга қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

МҚ фосфоритлари асосидаги фосфат-гипсли бўтқада мазкур фосфоритларни парчалаш, уни аммонийлаш, донадорлаш ва куриштириш натижасида сульфатларнинг сувда эрувчан шакли билан таркибида кальций бўлган азот-фосфорли концентрантланган ўғитлар олиш технологияси «IFODA AGRO KIMYO HIMOYA» МЧЖ корхонасида амалиётга жорий этилган (Наманган вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 18 декабрдаги 05/14-4652-сон маълумотномаси). Натижада, таркибида азот, фосфор, кальций, магний ва сульфатларнинг сувда эрувчан шакли бўлган ўғитлар олиш ҳамда мамлакатимиз кимё саноатида янги турдаги маҳсулотлар олишда паст навдаги фосфорит хомашёсини ишлаб чиқаришга қараб олиш, хомашё ресурслари – сульфат кислота ва аммиакни тежаш, ишлаб чиқариш чиқиндисини – фосфогипс миқдорини камайтириш имконини берган;

МҚ фосфоритларини фосфат-сульфат кислотали парчалаш, фосфат-гипсли бўтқани аммонийлаш асосида сульфатларнинг эрувчан шакли билан таркибида кальций бўлган азот-фосфорли ўғитлар олиш технологияси JSC «Indorama Kokand fertilizers and chemicals»да амалиётга жорий этилган (Наманган вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 18 декабрдаги 05/14-4652-сон маълумотномаси). Натижада, кальций сульфат дигидратини аммоний сульфатга конверсия даражасининг максимал қийматига эришилаётган ҳамда бир пайтнинг ўзида таркибида азот, фосфор, кальций, магний ва сульфатларнинг сувда эрувчан шакли бўлган ўғитлар олиш имконини берган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 2 та монография, жумладан 1 таси республика ва 1 таси хорижий нашрларда чоп этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 127 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, диссертация мавзусининг Республикамиз фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш натижалари кўрсатиб ўтилган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фосфатли хомашёларни фосфат кислотали қайта ишлаш соҳасининг ҳозирги замондаги ҳолати**» деб номланган биринчи

боби адабиётлар шарҳи ҳисобланиб, фосфатли хомашёлар тавсифи берилган, фосфатли хомашёни фосфорли концентранган ўғитларга қайта ишлашнинг физик-кимёвий асослари, уларни ишлаб чиқаришни мавжуд анъанавий ва муқобил усуллари келтириб ўтилган. Илмий-техник ва патент адабиётларида чоп этилган ишларни таҳлили асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «Сулфатларнинг сувда эрувчан шакли билан таркибида кальций бўлган азот-фосфорли ўғитлар олиш учун бошланғич хомашё материалларининг тавсифи ҳамда тадқиқотнинг физик-кимёвий усуллари» деб номланган иккинчи боби ишда қўлланиладиган хомашё материаллари, тажрибаларни ўтказиш усуллари, кимёвий таҳлиллар ва физик-кимёвий тадқиқотлар усулларига бағишланган.

Диссертациянинг «Фосфоритларни сульфатларнинг сувда эрувчан шакли билан азот-фосфорли ўғитларга фосфат-сульфат кислотали қайта ишлашнинг физик-кимёвий асослаш» деб номланган учинчи боби таркибида олтингугурт тутган азот-фосфорли ўғитлар олиш жараёнларини термодинамик асослаш, магний сульфат, аммоний нитрат ва уларнинг биргаликдаги иштирокида термик фосфат кислотасини сульфат кислотага қисман алмаштириш билан трикальцийфосфатни кислоталар аралашмасида парчалаш жараёнини тадқиқ қилиш, кальций сульфатни аммоний сульфатга конверсия жараёнини ўрганишга бағишланган.

Термодинамик таҳлил трикальцийфосфат, кальций ва магний карбонатлар, темир ва алюминий оксидлари ўзаро таъсир реакциялари кальций ва магний дигидрофосфатлар, темир ва алюминий фосфатлар ҳосил бўлиши билан боришини, бунда кальций ва магний карбонатлари, темир ва алюминий оксидларига нисбатан трикальцийфосфат фосфат ва сульфат кислоталари билан янада осон таъсирлашишини кўрсатди.

Фосфат кислота ва сульфат кислотаси билан трикальцийфосфат таъсирлашиш реакциясининг изобарик-изотермик потенциали (-197 ва -220 кж/мол) кальций, магний, темир, алюминий оксидларининг (-88÷-127 ва -134÷-160 кж/моль) таъсир реакцияларига нисбатан паст бўлади.

Қоратоғ фосфоритларининг фосфат ва сульфат кислоталар билан таъсирлашишининг иссиқлик эффектига кислоталарнинг трикальцийфосфат билан ўзаро таъсирлашиш жараёни асосий ҳисса қўшади (мос ҳолда 89,8% ва 85,9% бўлади). МҚ фосфоритларнинг ўзаро таъсири жараёнида иссиқлик эффектининг 96% ни трикальцийфосфат ва кальций карбонатнинг фосфат кислота билан ва 95,4% ни сульфат кислота билан ўзаро таъсири амалга оширади. Қолган компонентларнинг иссиқлик эффектлари 4-4,6% дан ошмайди.

Фосфоритларни фосфат кислотаси билан фосфорли оддий ўғитларга қайта ишлашни назарий асослаш учун фосфат кислотасидаги P_2O_5 ни сульфат кислота билан қисман алмаштириш йўли билан умумий стехиометрик меъёрадаги, таркибида 20% P_2O_5 бўлган термик фосфат кислота ва ундаги P_2O_5 ни 10, 20 ва 30% миқдорини сульфат кислота билан алмаштириш орқали, 80°C ҳарорат ва жараённинг 2 соат давомийлигида трикальцийфосфатни парчалаш бўйича тадқиқотлар амалга оширилди.

Бошланғич концентрацияси 18,25% P_2O_5 ва таркибида 1,14% SO_3 бўлган термик фосфат кислота билан трикальцийфосфат парчаланганда $P_2O_{5\text{умум}}$.

микдори 23,25%, $P_2O_{5\text{уэл}}$ микдори 21,69%, $P_2O_{5\text{с.э}}$ микдори 19,83% ни ташкил этади. P_2O_5 ни сульфат кислота билан алмаштириш микдори ортганда, яъни P_2O_5 ни 20 ва 30% ни сульфат кислотага алмаштирилганда маҳсулотдаги $P_2O_{5\text{умум}}$ микдори мос равишда 21,83 ва 20,39% гача камаяди. Ўзлашадиган шаклининг умумий микдорига нисбати мос равишда 93,29% дан 95,19% ва 97,35% гача ва сувда эрувчан шаклининг умумий микдорига нисбати 85,29% дан 88,18% ва 90,39% гача ортади. Трикальцийфосфатнинг парчаланиш коэффициенти эса 81,21% дан 87,50% ва 94,58% гача ортади.

Фосфат кислота 10% P_2O_5 ни H_2SO_4 билан алмаштирилганда бўтқадаги $SO_{3\text{умум}}$ микдори 0,93% ва $SO_{3\text{с.э}}$ 0,37% ни ташкил этади. Сульфат кислота меъёри ортганда бўтқадаги SO_3 нинг умумий микдори ҳам, сувда эрийдиган шакли ҳам ортишига олиб келади. P_2O_5 нинг 20% ни H_2SO_4 билан алмаштирилганда SO_3 умумий шаклининг микдори 1,89% га ва 30% га алмаштирилганда эса 2,86% га етади. Бунда SO_3 сувда эрувчан шаклининг микдори 0,59% ва 0,69% ни ташкил қилади. Нисбатан юқори концентрацияли фосфат кислота ишлатилганда SO_3 умумий шаклининг микдори 1,28-4,85% ва сувли шаклининг микдори 0,52-1,16% ни ташкил этади. SO_3 нинг суяқ фазага ажралиш коэффициенти H_2SO_4 улуши ортиши билан камаяди ва P_2O_5 ни 10% микдорини H_2SO_4 билан алмаштирилганда 39,79-24,13% ни, 20% микдорини алмаштирилганда 40,63-23,80% ни ва 30% микдорини алмаштирилганда 41,14-23,92% ни ташкил этади.

10, 20 и 30% P_2O_5 ни сульфат кислотага алмаштириш билан фосфат кислотанинг юқори концентрацияли эритмаларидан фойдаланилганда фосфоритни парчаланиш даражаси нисбатан юқори бўлган маҳсулот олинишини таъминлайди.

Парчаланиш коэффициентининг нисбатан юқори бўлган натижаларига фосфат кислота таркибида 32,90% P_2O_5 ва 4,64% SO_3 , шунингдек 29,20% P_2O_5 ва 7,06% SO_3 бўлганда эришилади, шунга мувофиқ ҳолда парчаланиш даражаси 97,92% ва 99,51% ни ташкил этади.

Қурилган маҳсулотлардаги SO_3 нинг умумий ва сувда эрувчан шаклининг микдори сульфат кислота улушининг ортиши билан ортади ва амалда дастлабки фосфат кислотанинг концентрациясига боғлиқ бўлмайди.

Таркибида 20% P_2O_5 бўлган бошланғич фосфат кислотага 1% аммоний нитрат қўшиш ва 10% P_2O_5 ни сульфат кислота билан алмаштириш кислоталар аралашмасидаги P_2O_5 ни 18,07% гача камайишига олиб келади ва бунда 1,13% SO_3 бўлади.

Бу кислоталар аралашмасини буглатиш таркибида 27,11-21,68% P_2O_5 ва 1,69-5,25 % SO_3 , шунингдек 36,14-28,91% P_2O_5 ва 2,26 -6,99 % SO_3 бўлган кислотали эритмалар олиш имконини беради.

Фосфат кислотанинг 10% P_2O_5 ни H_2SO_4 билан алмаштирилганда бўтқадаги $SO_{3\text{умум}}$ микдори 0,93% ва $SO_{3\text{с.э}}$ микдори 0,39% ни ташкил қилади. Сульфат кислота меъерининг ортиши бўтқадаги SO_3 умумий микдорини ҳам, сувда эрувчан шакли микдорининг ҳам ортишига олиб келади. Нисбатан юқори концентрацияли фосфат кислота ишлатилганда SO_3 умумий шаклининг микдори 1,27-4,82% ни ва сувда эрувчан шакли эса 0,54-1,34% ташкил қилади.

SO_3 ни суяқ фазага ажратиш коэффициенти 10% P_2O_5 ни H_2SO_4 билан алмаштирилганда 41,94-43,31% ни, H_2SO_4 улушининг ортиши билан эса

камаяди ва 20% ни алмаштирганда 35,10-35,64% ни ва 30% ни алмаштирганда 27,80-28,32% ни ташкил этади.

Таркибида 20% P_2O_5 бўлган бошланғич фосфат кислотатага 1% аммоний нитрат қўшилганда ва 10% P_2O_5 ни сульфат кислота билан алмаштирилганда P_2O_5 нинг 16,25% гача камайишига олиб келади, ундаги SO_3 миқдори 4,58% ни ташкил этади.

Бу кислоталарни буғлатиш натижасида таркибида 24,38-19,50% P_2O_5 ва 5,08-8,28% SO_3 ҳамда 32,50-26,00% P_2O_5 ва 5,59-9,85% SO_3 бўлган кислоталар олиш имкониятини яратади.

Бўтканинг асосий компонентлари миқдори кимёвий таҳлили шуни кўрсатдики, бошланғич концентрацияси 16,25% P_2O_5 ва 4,58% SO_3 бўлган термик фосфат кислота билан трикальцийфосфат парчаланганда $P_2O_{5\text{умум}}$ миқдори 21,12%, $P_2O_{5\text{ўзл}}$ миқдори 20,01%, $P_2O_{5\text{с.э}}$ миқдори 18,39% бўлади. Ўзлашадиган шаклнинг умумий шаклига нисбати мос равишда 94,74% дан 95,87% ва 98,27% гача ҳамда сувда эрувчан шаклнинг умумий шаклига нисбати 87,07% дан 90,03% ва 91,85% гача ортади. Трикальцийфосфатнинг парчаланиш коэффициенти мос равишда 85,30% дан 89,27% ва 96,44% га ортади.

10% P_2O_5 фосфат кислотасини сульфат кислотаси билан алмаштирганда $SO_{3\text{умум}}$ 3,83% ва $SO_{3\text{с.э}}$ 1,16% ни ташкил қилади. Сульфат кислота меъёрини оширилиши бўтқадаги SO_3 нинг умумий миқдори 20% P_2O_5 ни H_2SO_4 кислотасига алмаштирилганда 4,69% гача ва 30% P_2O_5 ни алмаштирганда 5,57% гача ортишига олиб келади. Бунда SO_3 нинг сувда эрувчан шаклининг миқдори 1,28% ва 1,13% га тўғри келади.

Юқорироқ концентрацияли фосфат кислотасидан фойдаланилганда SO_3 нинг умумий шаклининг миқдори 3,92-7,01% ва сувда эрувчан шаклининг миқдори 1,15-1,44% ташкил қилади. H_3PO_4 концентрациясини ортиши ва 10-30% P_2O_5 ни H_2SO_4 кислотасига алмаштирилганда SO_3 ни суёқ фазага ажралиб чиқиш коэффициенти камайиб боради ҳамда 30,29-20,29% дан 29,34-20,63% гача ва 30,42-20,54% гачани ташкил қилади.

P_2O_5 ни сульфат кислотатага қисман алмаштириш орқали фосфат кислота билан трикальцийфосфатни парчалаш бўйича кейинги тадқиқотлар таркибида аммоний нитрат (1%) ва магний сульфат (2% MgO) бўлган 20% концентрацияли термик фосфат кислота билан амалга оширилди.

Бу кислоталарни буғлатилиши таркибида 24,17-19,33% P_2O_5 ва 5,04-8,21% SO_3 ҳамда 32,22-25,77% P_2O_5 ва 5,54-9,79 % SO_3 бўлган фосфат кислота олиш имконини беради.

Бошланғич концентрацияси 16,10% P_2O_5 ва таркибида 4,54% SO_3 бўлган термик фосфат кислота билан трикальцийфосфат парчаланганда $P_2O_{5\text{умум}}$ миқдори 20,95%, $P_2O_{5\text{ўзл}}$ миқдори 19,89%, $P_2O_{5\text{с.э}}$ миқдори 18,42% ни ташкил қилади. P_2O_5 ни сульфат кислотатага алмаштириш миқдори ортиши билан ўзлашадиган шаклнинг умумий шаклига нисбати мувофиқ ҳолда 94,94% дан 96,14% ва 98,86% гача ҳамда сувда эрувчан шаклнинг умумий шаклига нисбати 87,92% дан 90,86% ва 92,55% гача ортади. Трикальцийфосфатнинг парчаланиш коэффициенти 85,83% дан 89,97 % ва 97,67% гача ортади.

Фосфат кислотанинг 10% P_2O_5 ни H_2SO_4 га алмаштирилганда бўтқадаги $SO_{3\text{умум}}$ миқдори 3,80% ни ва $SO_{3\text{с.э}}$ миқдори 1,34% ни ташкил этади. Сульфат кислота меъёрининг ошиши бўтқадаги SO_3 нинг ҳам умумий, ҳам

сувли шакллари микдорининг ортишига олиб келади ва 20% P₂O₅ ни H₂SO₄ га алмаштирилганда SO₃ умумий шаклининг микдори 4,66% га, 30% P₂O₅ ни алмаштирилганда 5,53% га етади. Бунда SO₃ сувда эрувчан шаклининг микдори 1,36% ва 1,23% ни ташкил этади.

Нисбатан юқори концентрацияли фосфат кислота ишлатилганда SO₃ умумий шаклининг микдори 3,90-6,96% ва сувда эрувчан шаклининг микдори 1,34-1,54% ни ташкил қилади. H₂SO₄ улушининг ортиши билан SO₃ ни сууқ фазага ажралиш коэффициенти камаяди ҳамда 35,26-22,24%, 34,36-22,19% ва 35,43-22,13% ни ташкил қилади.

10% P₂O₅ ни сульфат кислотага алмаштирилганда SO₃ сувда эрувчан шаклининг умумий шаклига нисбати 40,32% дан 36,29% гача, 20% P₂O₅ ни алмаштирилганда 32,87% дан 30,32% гача, 30% P₂O₅ ни алмаштирилганда эса 25,38% дан 25,35% гача ўзгаради.

Кислоталар аралашмаси меъерининг таъсирини тадқиқ қилиш учун концентрацияси 29,30% P₂O₅ бўлган фосфат кислотадаги 20% P₂O₅ ни сульфат кислотага алмаштирилган ҳамда таркибида магний сульфат (2% MgO), шунингдек магний сульфат (2% MgO) ва аммоний нитрат (1%) бўлган кислоталар аралашмасидан фойдаланилди. Кислоталар аралашмасининг меъери трикальцийфосфатни парчалаш учун керак бўладиган стехиометрик микдорга нисбатан 100%, 150% ва 200% этиб танланди (1-жадвал).

1-жадвал

Таркибида магний сульфат (2% MgO), шунингдек магний сульфат (2% MgO) ва аммоний нитрат (1%) бўлган кислоталар аралашмаси меъерининг бўтқа кимёвий таркибига таъсири

№	Кўрсаткичлар	Бўтқадаги компонентларнинг микдори, оғ. %					
		аммоний нитратсиз			аммоний нитрат иштирокида		
1.	Кислоталар аралашмасининг меъери	100	150	200	100	150	200
2.	ФКнинг бошланғич концентрацияси, % P ₂ O ₅	29,30			29,04		
3.	ФКдаги SO ₃ ни бошланғич концентрацияси, %	7,69			7,63		
4.	Бўтқадаги микдори:						
	P ₂ O ₅ (умум.), %	34,02	33,23	32,43	33,80	33,03	32,36
	P ₂ O ₅ (ўзл.), %	33,74	33,09	32,36	33,58	32,96	32,31
	P ₂ O ₅ (с.э.), %	31,53	31,33	30,70	31,60	31,45	30,91
	SO ₃ (умум.), %	5,49	8,09	8,60	5,46	8,04	8,57
	SO ₃ (с.э.), %	1,44	3,24	3,51	1,55	4,04	4,38
	CaO (умум.), %	15,48	12,91	10,29	15,38	12,83	10,27
	CaO (с.э.), %	3,37	4,17	3,40	3,91	4,33	3,72
	MgO %	1,27	1,42	1,51	1,27	1,41	1,49
	намлик, %	26,14	32,89	36,12	25,88	32,73	35,94
5.	(P ₂ O ₅ _{ўзл.} :P ₂ O ₅ _{умум.})×100, %	99,18	99,58	99,78	99,35	99,79	99,85
6.	(P ₂ O ₅ _{с.э.} :P ₂ O ₅ _{умум.})×100, %	92,68	94,28	94,67	93,49	95,22	95,52
7.	P ₂ O ₅ _{ўзл.} бўйича K _{ларч.} , %	97,87	98,72	99,19	98,31	99,34	99,42
8.	Сувли эритмадаги CaO бўйича K _{ажралиш.} , %	21,77	32,30	33,04	25,42	35,75	36,23
9.	Сувли эритмага SO ₃ ни ажралиш даражаси (Кальций сульфатни конверсия даражаси), %	26,23	40,05	40,81	28,39	50,25	51,11

Кислоталар аралашмаси меъерининг ортиши билан P_2O_5 барча шаклларининг миқдори камайиб боради, эркин P_2O_5 миқдори эса ортади. Кислоталар аралашмаси меъерининг ортиши бўтқадаги SO_3 умумий ва сувда эрувчан шаклларининг ҳам ошишига олиб келади.

Таркибида магний сульфат (2% MgO) бўлган кислоталар аралашмасидан фойдаланилганда SO_3 умумий шаклининг миқдори 100% меъёрда 5,49% дан 150% меъёрда 8,09% гача ва 200% меъёрда эса 8,60% гача ортади. Таркибида 20% P_2O_5 бўлган бошланғич термик фосфат кислотага 1% миқдорда аммоний нитрат ва 2% MgO ҳисобида магний сульфат қўшилганда, 20% P_2O_5 ни сульфат кислотага алмаштирилганда SO_3 умумий шакли миқдорини мос равишда 5,46% дан 8,04% гача ва 8,57% гача ошади.

Бундай шароитда SO_3 ни суюқ фазага ажралиш коэффициенти кислоталар аралашмасида магний сульфат иштирок этганда 26,23-40,81% ҳамда магний сульфат ва аммиакли селитра иштирок этганда 28,39-51,11% ни ташкил этади.

Кислотанинг 100% лик меъёрида кислоталар аралашмаси магний сульфат билан биргаликда фойдаланилганда SO_3 ни ажралиш коэффициенти 26,73% ни, 150% лик меъёрида 40,66% ни ва 200% лик меъёрида эса 41,58% ни ташкил этади.


Таркибида аммоний нитрат (1%), магний сульфат (2% MgO), шунингдек магний сульфат (2% MgO) ва аммоний нитрат (1%) бўлган 20% P_2O_5 ни сульфат кислотага алмаштирилган (кислоталарнинг умумий меъёри 100-200% бўлганда) 20% концентрацияли термик фосфат кислота билан трикальцийфосфатни парчалаш йўли билан ҳосил қилинган бўтқани газ ҳолатидаги аммиак билан $pH=4$ гача аммонийланганда нейтралланиш даражасининг SO_3 ни сувли эритмага ажралиш даражасига таъсири ўрганилди.

Таркибида 16,45-14,52% P_2O_5 ва 2,32-5,58% SO_3 бўлган фосфат кислота ишлатилганда олинган бўтқанинг pH қиймати ортиши билан барча бўтқалар учун суюқ фазага SO_3 ни ажралиш даражаси ортади. Энг яхши натижаларни таркибида аммоний нитрат бўлган кислоталар аралашмаси билан трикальцийфосфат парчаланганда ҳосил бўладиган бўтқада олинган (1-расм, а). Бу кетма-кетликда магний сульфат ва аммоний нитратли фосфат ва сульфат кислоталари аралашмаси ҳамда магний сульфат ва аммоний нитратни ўз ичига олган кислоталар аралашмаси билан трикальцийфосфат парчаланиши натижасида олинган бўтқалар жойлашади.


Бўтқанинг pH қиймати ортиши билан SO_3 ни суюқ фазага ажралиш коэффициенти аммоний нитрат иштирокида $pH=1,0$ да 35,6% дан ва $pH=4,0$ да 40,90% гача ортади. Кислоталар аралашмасида магний сульфат ва аммоний нитрат иштирок этганда эса $pH=1,0$ да 32,90% дан $pH=4,0$ да 37,80% гача ортади.

Кислота аралашмаси меъерининг 150% гача ортиши SO_3 сувда эрувчан шаклининг миқдорини оширади ва ажралиш даражаси $pH = 1,0$ да 43,80-44,50% ни ва $pH = 4,0$ да 49,30-66,80% ни ташкил этади.

Фосфат кислота концентрациясини 32,90-29,04% P_2O_5 гача ва SO_3 миқдорини 4,64-7,63% гача оширилганда $pH = 1,0$ даги аммонийланган бўтқада сувда эрувчан шаклдаги SO_3 0,97-4,04% бўлади. $pH = 4$ да бу кўрсаткичлар 50,9-80,1% ни ташкил этади.



а



б

1-расм. Бўтқаларни аммонийлаш даражасининг сувли экстрактга SO₃ ни ажратиб олиниш даражасига таъсири [а)-бошланғич кислота концентрацияси – 16,45% P₂O₅, меъёри – 100%; б) бошланғич кислота концентрацияси – 32,90% P₂O₅, меъёри – 150%]; 1-кислоталар аралашмасида; 2-аммоний нитрат иштирокида; 3-магний сульфат иштирокида; 4-аммоний нитрат ва магний сульфат иштирокида.

Кислоталар аралашмасидаги фосфат кислотаси концентрацияси ошганда ҳам худди паст концентрацияли эритмалардаги каби SO₃ нинг суяк фазага ажралиш даражасининг ошиши кузатилади (1-расм, б). Энг яхши натижаларга таркибида 1% аммоний нитрат бўлган кислоталар аралашмасида трикальцийфосфатни парчалаш натижасида олинган бўтқаларни аммонийлашда эришилади.

Кимёвий таҳлиллар ва физик-кимёвий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, бунда парчалаш маҳсулотларининг асосий компонентлари кальций, магний, аммоний катионлари ҳамда фосфат, сульфат, нитрат анионлари ҳисобланади. Олинган бўтқаларни аммонийлаш натижасида кальций сульфат дигидратининг аммоний сульфатга конверсияси содир бўлади.

Диссертациянинг «Қоратоғ ва Марказий Қизилқум фосфоритларини сульфатларнинг сувда эрувчан шакли билан азот-фосфорли ўғитларга қайта ишлаш жараёнларини тадқиқ қилиш» деб номланган тўртинчи боби Қоратоғ фосфоритлари ва Марказий Қизилқумнинг ЮҚК ва ЮҚФК фосфоритларидан сульфатларнинг сувда эрувчан шакли билан азот-фосфорли ўғитлар олиш жараёнларини ўрганишга бағишланган.

Қоратоғ фосфоритларидан олинган 21,5% P₂O₅ концентрацияли ва таркибида 1% аммоний нитрат бўлган ЭФКдаги 10, 15, 20 ва 25% P₂O₅ ни сульфат кислотага қисман алмаштиришнинг таъсири тадқиқ қилинган.

Кислотадаги 10% P₂O₅ ни сульфат кислотага алмаштирилганда олинган бўтқа рН 1,13 дан 3,93 гача аммонийланганда P₂O₅_{сумум} 25,38% дан 24,61% гача камаяди, 10% P₂O₅ ни алмаштирилганда эса 24,31% дан 24,51% гача ортади. Бунда парчаланиш даражаси мос ҳолда 82,14% дан 56,93% гача ҳамда 91,17% дан 65,96% гача камаяди. Бунда SO₃ нинг умумий шакли тегишлича 3,55% дан 3,45% гача ҳамда 4,73% дан 4,77% гача ўзгаради. SO₃ ни сувли эритмага ажралиш даражаси 55,49-74,20% ва 52,85-76,52% ни ташкил этади.

ЭФК концентрацияси 24,9%, 29,9%, 34,7% P₂O₅ гача оширилганда ва

20% P_2O_5 ни сульфат кислотага алмаштирилганда, бўтқа $pH=4$ гача аммонийланганда $P_2O_{5\text{сумум}}$ миқдори 27,60-34,95% ни ташкил қилади ҳамда фосфоритни парчаланиш даражаси 89,09-86,14% ни ташкил этади.

Аммонийланганда $SO_{3\text{сумум}}$ миқдори ортади ва 24,9% концентрацияли ЭФК учун 8,75-9,34% ни, 29,9% концентрацияли ЭФК учун 8,79-8,87% ни ҳамда 34,7% P_2O_5 концентрацияли ЭФК учун 8,73-8,98% ни ташкил этади. Бунда SO_3 ни ажралиш даражаси мувофиқ ҳолда Бунда SO_3 ни ажралиш даражаси мувофиқ ҳолда 53-84,05%, 52,10-89,31% ва 50,33-91,07% га тенг бўлади.

Сульфат кислота улуши 24,95% P_2O_5 концентрацияли ЭФКда оширилганда SO_3 сувда эрувчан шаклининг улуши 10% ЭФКни сульфат кислотага алмаштирилганда 23,32% га, 20% P_2O_5 алмаштирилганда 25,95% га ҳамда 25% P_2O_5 алмаштирилганда 30,84% га ортади.

